

КАРТОШКАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17899357>

Шеркабилов Шерали Абдурамаатович

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти иқтисодиёт ва
менежмент кафедраси PhD катта ўқитувчиси.*

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида картошкачилик тармоғини кооперация муносабатларини жорий этиш асосида ривожлантириш масалалари ёритилган. Тадқиқотда фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг картошка етиштиришдаги ўрни ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириш, кооперация тизимини йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг иқтисодий ва ташкилий жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, “Бир ҳудуд – бир маҳсулот” тамойилини амалиётга жорий этиш, маҳсулотни бозорда тўғридан-тўғри сотиш имкониятларини яратиш ҳамда воситачилар таъсирини камайтириш бўйича таклифлар илгари суради. Шу билан бирга, деҳқон хўжаликларини кооперациялаш орқали молиявий барқарорликка эришиш ва маҳсулот нархини оптималлаштириш йўллари илмий асосланган.

Калит сўзлар

картошкачилик, кооперация, деҳқон хўжалиги, фермер, кичик бизнес, агрокластер, иқтисодий самарадорлик, маҳсулот бозори.

Аннотация

В статье рассматриваются пути развития картофелеводческой отрасли Узбекистана на основе внедрения кооперационных отношений. Автор анализирует роль фермерских, дехканских и приусадебных хозяйств в производстве картофеля, а также необходимость создания кооперативов для повышения эффективности производства и сокращения посреднических издержек. В работе обосновываются организационно-экономические механизмы стимулирования малых сельскохозяйственных предприятий, реализация принципа «Один регион – один продукт», а также меры по обеспечению финансовой устойчивости дехканских хозяйств и оптимизации цен на картофельную продукцию.

Annotation

This article explores the development of Uzbekistan's potato industry through the implementation of cooperative relations. It examines the role of farmers, dehkan (smallholder) and household farms as the main producers and highlights the importance of introducing cooperative structures to improve production efficiency and reduce intermediary costs. The author discusses mechanisms for supporting small agricultural enterprises, applying the principle of "One region – one product," and promoting direct market access for producers. The study also provides scientific justification for enhancing the financial stability of dehkan farms and optimizing potato pricing through cooperative approaches.

Бугунги кунда картошкачилик соҳасида эркин хусусий тадбиркорлик субъектлари сифатида фермер, деҳқон, томорқа хўжаликлари асосий ишлаб чиқарувчи субъектлар сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда тармоқда агрокластер ва маълум даражада кооперация субъектлари ҳам ривожланаётган бўлиб, улар тармоқда техника таъминоти, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш даражасини ошириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳисобига хўжалик субъектларида ҳосилдорлик ва самарадорликни ошириш имконияти яратилмоқда.

Республикада кичик бизнес субъектлари сифатида фаолият кўрсатётган деҳқон ва томорқа хўжаликларида картошка етиштириш жараёнларини бошқаришнинг самарали усулларини жорий этиш, уларни иқтисодий-ижтимоий рағбатлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Бир ҳудуд – бир маҳсулот" тамойили асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш асосида аҳоли даромадларини оширишга қаратилган қатор ҳуқуқий нормалар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, пахта ва ғалладан бўшаган, сув таъминоти яхши бўлган ерлардан очик электрон танлов орқали ижарага бериш механизми жорий этилди⁵³. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги 373-сонли "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.

Низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори асосида улар фаолиятини иқтисодий рағбатлантиришнинг аниқ механизми амалиётга жорий этилди⁵⁴.

Хусусан, монографик тадқиқотлар олиб борилган Чиноз туманининг 3 та, яъни “Истиқлол”, “Аҳиллик”, “А.Темир” МФЙда 2601 та аҳоли жами 158 гектар майдонда “Бир маҳалла – бир маҳалла” тамойили асосида картошкачиликка ихтисослаштирилган. Тумандаги жами 24 821 дона деҳқон ва томорқа хўжаликларида пахта ва ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида ҳар йили ўртача 320 гектар экин майдони баҳорги картошка (эртаки) ҳамда 172,0 гектарда ўртаки картошка етиштирилмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, аввал ҳам қайд этилганидек, бугунги кунда картошка етиштирувчи асосий хўжалик юритувчи субъектлар ичида деҳқон хўжаликлари жами картошка етиштиришда асосий улушни ташкил этмоқда. 2022 йил маълумотларига кўра, республикаимиз бўйича жами етиштирилган картошканинг 2484 минг тоннаси, яъни, 72 фоизи деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келса, 26 фоизи (890 минг тонна) фермер хўжаликлари ҳиссасига, қолган 2% қишлоқ хўжалиги корхоналари зиммасига тўғри келмоқда (1-расм).

Монографик тадқиқотлар олиб борилган Чиноз туманида эса ишлаб чиқарилган жами картошканинг 90 фоизидан ортиғи асосан деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу сабабларга кўра ҳам, картошка етиштиришда кичик бизнес субъектларида маҳсулот етиштириш, уларга хизмат кўрсатиш тизимларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқарувчиларни уруғлик картошка билан миқдор ва сифат жиҳатидан таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар самарадорлигини ошириш истиқбол ва устувор йўналишларини асослашни объектив заруриятга айлантиради. Бу жараёнда, бизнингча, деҳқон ва томорқа хўжаликлари сонининг кўплиги, уларнинг аксариятлари жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатиши боис улар фаолиятни мувофиқлаштирувчи тузилмани ташкил этишни талаб этади.

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги 373-сонли “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори



1-расм. Республика бўйича хўжалик юритувчи субъектлар кесимида картошка етиштириш улуши, %да (2022 йил)

Таҳлиллар кўрсатишича, деҳқон ва томорқа хўжаликларида картошка сотишдаги мавжуд муаммолардан бири бўлиб, улар асосан воситачиларга муурожаат қилишлари, уларга арзон нархларда беришга мажбур бўлишлари сабабли юқори даромад олиш имконияти чекланиб қолмоқда. Шу жиҳатдан, картошка истеъмол каналлари доирасида картошка нархининг шаклланиш ва ўзгариш жараёнларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, тадқиқот жараёнида ушбу ҳолатни ўрганишга асосий эътибор қаратилди.

Монографик таҳлиллар кўрсатишича, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ишлаб чиқарилган картошка нархига бирламчи воситачи хизматлар юкланиши маҳсулот нархининг ўртача 60 фоиз қимматлашига олиб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, кичик хўжаликларнинг молиявий нобарқарорлиги боис, аксарият ҳолларда маҳсулотни йиғиш, саралаш, қошлаш ҳамда сотишга тайёрлаш хизматларини бевосита воситачиларнинг ўзлари бажаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги ПҚ-4704-сон “Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

3. Alston, J., Chan-Kang, C., Marra, M., Pardey, P. and Wyatt, T. (2000a) A Meta-Analysis of Rates of Return to Agricultural R&D, Ex Pede Herculem? IFPRI Research Report 113, International Food Policy Research Institute, Washington DC.
4. D.Laborde, A.Mamun, W.Martin. Modeling the impacts of agricultural support policies on emissions from agriculture. Agriculture and food discussion paper. The World Bank. August 2020.
5. Икромов Т.Х.. Чорвачилик асослари. Т. “Ўқитувчи”, 1996 й. – 248.
6. Картошка етиштириш [Матн]: илмий нашр / «Агробанк АТБ. – Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. – 100 б.
7. Симаков, Е. А. Повышение конкурентоспособности отечественной селекции картофеля // Картофельная система. – 2016. – №
8. Серова Е. В. Аграрная экономика / Е. В. Серова// – М. : ГУ ВШЭ, 1999. – 480 с.
9. Henderson, B. and Lankoski J. (2019), ‘Evaluating the environmental impact of agricultural policies’, OECD Food, Agriculture and Fisheries Papers, No. 130, OECD Publishing, Paris.
10. Hasanov B. Respublikada oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashda iste’mol va urug’lik kartoshka yetishtirish istiqbollari, Journal of economics, finance and innovation, ISSN:2181-3299 Volume-II Issue 1, 2022.
11. Teshaboyeva M., Nizomitdinova M. Kartoshka yetishtirishda sug’orishning ahamiyati, Science and innovation, international scientific journal Volume 1 Issue 7 uif-2022.